

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Чироқчи тумани

2023 йил 7 июнь

Чироқчи туманлараро иқтисодий судининг судьяси А.Қодиров раислигида, судья ёрдамчиси А.Чулиевнинг котиблигида, даъвогар вакили Х.Хушвақтов (2023 йил 5 июндаги 107-сонли ишончнома асосида) иштирокида, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармасининг даъвогар "██████████" хусусий корхонаси манфаатида, жавобгар "██████████" фермер хўжалигига нисбатан даъво аризаси бўйича ишни Чироқчи туманлараро иқтисодий суди биносида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

аниқлади:

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси даъвогар "██████████" хусусий корхонаси (бундан буён матнда – даъвогар деб юритилади)нинг манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар "██████████" фермер хўжалиги (бундан буён матнда – жавобгар деб юритилади) ҳисобидан 7.203.000 сўм асосий қарздорлик ва 60.000.000 сўм жарима ундиришни сўраган.

Суд мажлиси муҳокамасида иштирок этган даъвогар вакили даъво аризада келтирилган важларни қўллаб-қувватлаб, тарафлар ўртасида расмийлаштирилган шартномага асосан жавобгарни шартномада келишилган маҳсулотлар билан таъминланганлигини, бироқ жавобгар ушбу маҳсулотларни қабул қилиб, етиштирилган маҳсулотларни етказиб бериш мажбуриятини олган бўлса-да, мажбуриятлар тўлиқ бажарилмаганлигини, шартноманинг 4.2-бандида шартнома баҳосининг 50 фоизигача жарима тўланиши назарда тутилганлиги сабабли жарима ҳисобланганлигини маълум қилиб, жавобгарнинг иқтисодий ҳолатларини инобатга олган ҳолда даъво талабидаги жарима ундириш қисмини камайтиришга эътирози йўқлигини маълум қилиб, даъво талабларини қисман қаноатлантиришни сўради.

Палата даъво аризасида ишни ўзининг вакили иштирокисиз кўриб чиқишни сўраган.

Жавобгар ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган бўлса-да, суд мажлисига келмади. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда – ИПК деб юритилади)нинг 128, 170-моддасига асосан суд ишни палата ва жавобгар вакилининг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд ишда иштирок этувчи даъвогар вакилининг иш бўйича тушунтиришларини эшитиб, даъво талабларини иш ҳужжатлари билан

бирга ўрганиб чиқиб, далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, даъво талабларини қисман қаноатлантиришни лозим топади.

Иш ҳужжатлари ва суд мажлиси муҳокамасида аниқланган ҳолатларга кўра, тарафлар ўртасида 2022 йил 27 июнда 136-сонли “Қишлоқ хўжаликлари маҳсулотларини етиштириш, етиштирилган маҳсулотни сотиб олиш тўғриси”да фючерс шартномаси тузилган бўлиб, мазкур шартноманинг 1.1-бандида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги ПҚ-225-сонли Қарорига асосан “Маҳсулот етиштирувчи” “Харидор”га 2022 йил ҳосилидан 4 гектар ер майдонидан давлат стандарти бўйича шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган маҳсулотни топшириш мажбуриятини, “Харидор” эса “Маҳсулот етиштирувчи”ни ушбу шартномада белгиланган тартибда шартноманинг умумий баҳосидан келиб чиқиб бўнак (уруғлик, кўчат, минерал ўғитлар, жумладан азотли фосфорли, калийли, кимёвий озуқалар бир марталик культивация учун ёнилғи мойлаш маҳсулотлари, ўрим йиғим харажатлари) билан шартноманинг 1.2-бандига асосан таъминлаш, етиштирилган маҳсулотни қабул қилиб олиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Даъвогар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларини қисман бажариб, жавобгарга тегишли ишончнома асосида ва электрон счёт-фактурага асосан маҳсулот етиштириш учун ўғит ва озуқаларлар етказиб берилган бўлса-да, жавобгар шартнома шартларига мувофиқ келишилган маҳсулотларни тўлиқ етказиб бермаган.

Даъвогарнинг молиялаштирилган пул маблағларини ихтиёрий тўлаб бериш ҳақидаги огоҳлантириш хати жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Натижада тарафлар ўртасида низо келиб чиқиб, Палата даъвогарнинг манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Даъвогарнинг даъво талаблари асослидир.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (кейинги ўринда – ФК деб юритилади)нинг 8, 234-моддаларига кўра мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

ФКнинг 236-моддасида мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши, 237-моддасида мажбуриятларни бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмаслиги, 333-моддасида эса қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб бериши белгиланган.

ФКнинг 437-моддасига кўра, маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган

маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий мақсадларда, рўзғорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топшириш, сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Мазкур асосий қарздорлик ҳисоб фактура, ишончнома, юк хат ива ишдаги мавжуд ҳужжатлар билан ҳам ўз тасдиғини топган.

Шу сабабли суд даъвогарнинг асосий қарз ундириш талабини тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

Шунингдек, даъвогар жавобгардан шартноманинг 4.2-бандига асосан 60.000.000 сўм жарима ундиришни ҳам сўраган.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг ушбу 4.2-бандида шартномада белгиланган миқдорда, сифатда, ассортиментда ва турлари бўйича муддатларда маҳсулот топширилиши асоссиз бош тортилганлиги учун “Маҳсулот етиштирувчи” “Харидор”га шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган аванс шаклидаги материалларнинг 100 фоиз қийматини ва шартнома қийматидан ошмаган ҳолда 50 фоиз миқдорида жарима тўлаши келишилган.

Шунингдек, мазкур қарздорлик даъвогарнинг ўзи ҳам шартнома шартларини тўлиқ бажармаслиги оқибатида келиб чиққан.

ФКнинг 335-моддасига кўра агар кредитор қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли мажбуриятни бажариш мумкин бўлмаслиги юз беришига ёки бажармаслик туфайли етказилган зарар миқдорининг кўпайишига кўмаклашган бўлса, шунингдек кредитор мажбуриятни бажармасликдан етказилган зарарни камайтириш чораларини қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли кўрмаган бўлса, суд ишнинг ҳолатларига қараб тўланадиган ҳақ миқдорини камайтиришга ёки кредиторга ҳақ тўлашни батамом рад этишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкӣ жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 163-сонли Қарорининг 1-бандида судлар неустойкани ундириш тўғрисидаги даъвогарни ҳал қилишда неустойка миқдорининг қонун талабларига мувофиқ ҳисобланганлиги, унинг асослилиги, мажбурият бузилиши оқибатларига мутаносиблиги каби ҳолатларни ҳар томонлама ва чуқур муҳокама қилиб, талаб қилинган неустойканинг адолатли миқдорини белгилашлари шартлиги, 4-бандида ФКнинг 326-моддасига мувофиқ суд қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг мулкӣ аҳволини, шунингдек кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойка миқдорини камайтиришга ҳақли эканлиги белгиланган.

Суд жавобгарнинг мулкый аҳволини ҳамда кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, жарима миқдорини 1.000.000 сўмга қадар камайтиришни жаримани қолган қисмини қаноатлантиришни рад этишни лозим топди.

ИПКнинг 118-моддасига мувофиқ агар даъвогар томонидан билдирилган неустойкани ундириш ҳақидаги талаб асосли бўлиб, бироқ унинг миқдори қонунчиликда белгиланган ҳуқуқдан фойдаланилган ҳолда суд томонидан камайтирилган бўлса, суд харажатларининг камайтирилиши ҳисобга олинмаган ҳолда ундирилиши лозим бўлган неустойка суммасидан келиб чиққан ҳолда, суд харажатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилиши лозим.

“Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга кўра иқтисодий судларга бериладиган мулкый хусусиятга эга даъво аризаларидан даъво баҳосининг 2 фоизи миқдорида, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараваридан кам бўлмаган миқдорда давлат божи тўланиши керак.

Юқорида қайд этилганларга кўра, суд даъво талабларини қисман қаноатлантириб, жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига 7.203.000 сўм асосий қарз, 1.000.000 сўм жарима ва олдиндан тўланган 33.000 сўм почта харажати ҳамда республика бюджетига 1.344.060 сўм давлат божи ундиришни даъвонинг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 8, 234, 236, 237, 333, 437-моддаларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 66, 118, 128, 170, 176-180, 186, 192-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л д и :

Даъво қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар " ██████████ " фермер хўжалиги ҳисобидан даъвогар " ██████████ " хусусий корхонаси фойдасига 7.203.000 сўм асосий қарз, 1.000.000 сўм жарима ва олдиндан тўланган 33.000 сўм почта харажати;

Республика бюджетига 1.344.060 сўм давлат божи ундирилсин.

Даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантириш рад қилинсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақалари берилсин.

Ҳал қилув қарори устидан қарор қабул қилинган кундан кейин бир ой муддат ичида апелляция шикояти бериш (протест келтириш) мумкин.

Судья

А.Қодиров